ПАРТИЯ ЧАҚИРИҒИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 5 (5354).

8 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати барча кишилар қатори бизнинг коллективни ҳам янги марралар сари руҳлантириб юборди. Ишчи ва хизматчиларимиз тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, янги-янги зафар марраларини белгилаб олишяпти. Аниқловчи йилда трестимиз коллективи бу соҳада тилга олса арзигулик ютуқларни қўлга киритди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини оширишнинг 50 процентни ишчи ходимлар сонини кўпайтирмаган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Бу ишлар пулга чақилганда 2 миллион сўмни ташкил этади.

Мурожаатда шундай дейилган: «Иқтисод ва тежамкорлик — социалистик хўжалик юритишнинг таркибий белгисидир. Материал, пул, табиий ресурсларимиздан, ҳар бир меҳнатчининг иш вақтидан оқилкорлик билан оқилона фойдаланиш жуда муҳим». Ҳақиқатан ҳам материал ва хомашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш катта самара бермоқда. Ўтган йилда 3 минг тоннадан ортиқ цемент тежаб қолинди. Шундан 2,5 минг тоннаси илгари чиқинди сифатида ташлаб юборилаётган Ангрен ГРЭСнинг кулидан фойдаланиш ҳисобига тежалди. Ҳар 100 килограмм кул ҳисобига 60 килограмм цемент иқтисод қилаяпмиз. Бундан ташқари, йнгма темир-бетон заводида арматура пўлатларини бичишда чиқит чиқармаслик усулини ишлаб чиқаришга жорий этиш 300 тонна металлни тежаш имкониятини яратяпти.

Биз келгусида ҳам Мурожаатда таъкидланган бундай тадбирларни янада кўпроқ амалга ошириш учун ҳаракат қиламиз.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Ангрендаги «Ўзбекшахтострой» трести қурилиш комитетининг раиси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг шу йил 7 январь сонида эълон қилинган Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози коллективининг социалистик мажбуриятини маъқуллади.

Область партия комитети район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область ва район қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари ва партия ташкилотлари секретарлари зиммасига Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози коллективи бошлаб берган қимматли ташаббусни муҳокама қилиш ва қўллаб-қувватлаш, мавжуд резерв ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун 1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлашни янада кўпайтириш юзасидан конкрет социалистик мажбуриятлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаларини юклади.

Область ва район газеталари редакцияларига колхоз ва совхозлар зиммасидаги социалистик мажбуриятларнинг бажарилишининг боришини мунтазам ёритиб туриш топширилди.

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШЛАРИГА

Оҳангарон цемент комбинати коллективи Ўзбекистондаги янги қурилишлар учун пландан ташқари юз минг тоннадан зиёд цемент тайёрлади. Бу — янги йилнинг дастлабки сменаларидаги иш якунларидир.

Республика бинокорлик материаллари саноатига қарашли кўпгина корхоналарнинг коллективлари янги йилни зарбдорларча меҳнат қилиш билан бошладилар. Ф. Э. Дзержинский номли Бекобод цемент комбинатида, Бухоро гишт заводида ва бошқа заводлар, фабрикалар ҳамда комбинатларда пландан ташқари маҳсулот етказиб берила бошланди. Программага қўшимча суратда қурилишларга рангли цемент, шифер, асбоқувурлар, дераза ойнаси ва бир қанча бошқа турдаги маҳсулотлар жўнатилмоқда.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигида маълум қилишларича, корхоналар коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг анализи шуни кўрсатадики, беш йилликнинг якунловчи йили мобайнида пландан ташқари камида 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

ТОШКЕНТДАГИ «Подъёмник» заводининг нешқадам токари Анатолий Шкорупета шу кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. СУРАТДА: А. Шкорупета иш устида.
А. Тўраев фотоси.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

...ҲАР бир киши қунт билан ижодий меҳнат қилсин, меҳнат, давлат интизомига риоя этсин, ўзига ва ўртоқларига юксак талабчан бўлсин. Ҳар бир бригада ва цех, ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз пухта ва аҳил ишласа, топшириқларни, муқобил планларни, социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш йўлида бутун куч-ғайрати ва сабот-матонатини ишга солиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидаги бу сўзлар бизни яна ҳам астойдил меҳнат қилишга даъват этади.

Коллективимиз партиямизнинг Мурожаатини муҳокама қилиб, уни қизғин қўллаб-қувватламоқда. Ишлаб чиқаришни янада юксалтириш юзасидан янги тадбирлар белгиланмоқда.

Иклимиз баракали бўлди. Қувончли ютуқларга эришдик. Лекин биз бу билан кифояланиб қолмаймиз. Партиямиз Чақирғига жавобан беш йиллик планни муддатидан олдин муваффақиятли бажариш йўлида янада ғайрат кўрсатиб ишлаймиз. Коллективимиз чорвачиликни юксалтириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Пландаги 265 ўрнига 305 тонна гўшт, 1400 ўрнига 1610 тонна сут топшириш мажбуриятини олдик.

Ш. ЖАЪФАРОВ,
Оҳангарон районидаги Тошкент от заводининг директори.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАСИ ЭГАЛЛАНДИ

«Ташхимсельмаш» заводида мусобақада ғолиб чиққан цехларнинг коллективларини мубораклаш учун байроқ кўтарилади. Иккинчи январь куни смена охирида корхонадаги барча меҳнатчилар шарафига Қизил байроқ кўтарилди: «ОВХ-14» маркали 17 та пуркагич машина тайёрланди. Бу эса беш йиллик охирига мўлжалланганидан икки баравар кўпдир.

Шу куни технология циклининг барча участкалари аниқ ва яхши ишлади. Заводда етакчи бўлган биринчи механикайғув цехининг станокчилари зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Барча деталлар йиғиш учун графикда белгиланганидан олдин етказиб берилди. Токарлардан И. Гендельман ва Н. Романов, шлифовкачи С. Бобожонов ва бошқалар сменада бир ярим-икки норма бажардилар.

Бу йил пахтакорлар «Ташхимсельмаш» заводидан 4550 та пуркагич машина олади, бу машиналарнинг 50 таси пландан ташқари тайёрланади. Завод коллективи беш йиллик мобайнида ишчилар сонини кўпайтирмай ва бир метр ҳам қўшимча майдонни ишга туширмай, шу давр ичида маҳсулот ишлаб чиқаришни қариб икки баравар оширди. Коллектив бу муваффақиятга корхонани техника билан қайта қуроллантириш, ҳар бир иш жойида резервлардан фойдаланиш туфайлигина эришди.

ЮКСАК АКТИВЛИК

Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати билан қизиқиб танишмоқдалар. Катта снёсий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатда беш йилликнинг якунловчи йилида бажарилиши лозим бўлган улкан вазифалар белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитети Мурожаати эълон қилинган куниёқ областимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, маиший хизмат корхоналари, ўқув юртларида митинг ва йиғилишлар бўлиб, сўзга чиққан нотиқлар партия қўйган вазифаларни ортиғи билан бажаришга қодир эканликларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон металлургия заводи мартен ва прокат цехларида бўлиб ўтган митингларда ишчилар КПСС Марказий Комитети Мурожаатига жавобан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Улар беш йилликнинг якунловчи йилида мажбуриятдагига қўшимча равишда минг тонна пўлат эритиш ва минг тонна прокат тайёрлашга аҳд қилдилар.

«Средазуголь» комбинати Ангрен разрези коммунистик меҳнат участкасининг бошлиғи Н. Хорошилов бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, ўз ҳамкасблари номидан барчани ишонтириб айтдики, участка коллективи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида муқобил план асосида қўшимча ўнлаб минг тонна «қора олтин» қазиб чиқаришга бел боғлаган. Улар ҳозир мана шу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун бор резервларни ишга солмоқдалар.

«Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трести бинокорлари митинги ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Сўзга чиққан комплекс ёшлар бригадаси раҳбари, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Б. Шукуров мамлакатимиз экономикасини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро доирадаги обрўсини ошириш йўлида партиямиз Марказий Комитети, унинг Снёсий бюроси, шахсан Леонид Ильич Брежнев олиб бораётган ишлар учун қалб ташаккурини изҳор этди.

Областимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам КПСС Марказий Комитети Мурожаатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Оққўрғон районидаги Ботинцев номли колхоз механик-ҳайдовчиси Т. Раҳимбердиев бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, беш йилликнинг якунловчи йилида ўз машинаси билан 350 тонна «оқ олтин» териб беришга, ҳосилдорликни эса гектар бошига 50 центнерга етказишга сўз берди. Шу куннинг ўзидаёқ ишлаб чиқариш коллективларида 140 дан ортиқ митинг бўлиб ўтди. Бу митингларда 110 мингга яқин киши иштирок этиб, янги марраларга даъват этувчи партиямиз Марказий Комитети Мурожаатини якдиллик билан маъқуллади.

6 январда областимизнинг барча шаҳар ва районларида партия активи йиғилишлари бўлиб ўтди. Ангрен шаҳар партия активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Саидов, Олмалиқ шаҳар партия активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедов, Бекобод шаҳар партия активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Аббосов, Чирчиқ шаҳар партия активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ғ. Ёқубов, Янгийўл шаҳар партия активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко, Янгиобод шаҳар партия активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари К. М. Тимофеев, Оққўрғон район партия активи йиғилишида район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Икромов, Бўка район партия активи йиғилишида район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев, Пискент район партия активи йиғилишида район партия комитетининг биринчи секретари С. Х. Воҳидов ўртоқлар доклад қилдилар. Тошкент шаҳри районларида бўлиб ўтган партия активи йиғилишларида ҳам район партия комитетларининг биринчи секретарлари доклад қилдилар.

Область шаҳар ва район партия активи йиғилиши қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Мурожаатига жавобан 1975 йил ва умуман беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш юзасидан социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга қаратилган қарорлар қабул қилдилар.

ЕР УНУМДОР, МАҲСУЛОТ МЎЛ БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати барча совет кишилари сингари деҳқонларни ҳам янги зафарларга руҳлантириб юборди. Беш йилликнинг тўртинчи йилини қувончли натижалар билан якунлаган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Мурожаатни ўқиб-ўрганиб чиққанларидан кейин ўз олдиларида яна ҳам улуғвор вазифалар турганлигини тўла ҳис этмоқдалар.

Мусобақадош Калинин ва Оржоникидзе районлари сабзавоткорлари, боғбонлари, чорвадорлари Мурожаатни муҳокама қилиб чиққач, янги режалар тузмоқдалар, уни амалга ошириш учун ички резерв ларни қидириб топмоқдалар.

Беш йилликнинг якунловчи йили бошланган дастлабки кунда Калинин район ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари мусобақадош Оржоникидзе районига бордилар. Улар ҳамма колхозларда парниклардаги иш, уруғликни сақлаш, техникани қўклам экишига шай қилиб қўйиш, мелиорация-ирригация ишларининг бориши, чорвачилик фермаларидаги аҳвол билан муфассал танишдилар, дастлабки ютуқлардан ҳурсанд бўлдилар.

Республикамиз донгдор хўжаликларидан бири Оржоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сабзавоткорлари шу кунларда ишнинг кўзини билиб, масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда ишламоқдалар. Парник ўраларидаги сабзавот кўчатлари яхши парваришқилинмоқда. Навбатдаги ўраларга уруғлик ўз вақтида сепилмоқда. Пикировка қилиш усталик билан амалга оширилаётир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қиш кунларида парник хўжалигида ишнинг унумли бўлиши тадбирларини кўрганлар, ромлар, пол и э т и л е н пленкалари, қамиш бордонлар етарли миқдорда ҳозирланган, колхозчилар иссиқ кийим, иссиқ овқат билан таъмин этилган, уларга иш ҳақи тўлаш намунали йўлга қўйилган.

Аммо, райондаги бир қатор хўжаликларда бу ибратли тадбир тўла амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Калинин район ижроия комитетининг раиси **Б. Тошхўжаев** ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг фикрини ифодалаб, «Октябрь», Ленин номли колхозларда парник ромлари тўла тайёр эмаслиги, парник ўраларининг тозаланиб етарли миқдорда минерал ўғитлар келтириб қўйилмаганлиги, кўчатлар ўз вақтида шабадалантириб турилмаётгани учун димиқиб қолиб, ривожланиши сусайётганлигини тўғри таҳлил қилди. Баъзи колхозларда парниклардаги кўчатлар ўз вақтида пикировка қилинмаётганлигидан тез ўсиб кетиб, тагидаги нам кўп бўлганлиги сабабли қорасон касалига учраяптики, агар бу камчилик тезда тугатилмаса, кўчатларнинг кўп қисми нобуд бўлади.

Райондаги «Маданият» колхозида аҳвол ачиқ эмас. Парник ўраларига уруғ белгиланганидан анча кам сепилган. Колхоз раҳбарлари пикировка қилиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаётирлар. Мусобақадошлар фикрига қараганда, Оржоникидзе район партия ва совет ташкилотлари бу колхозга амалий ёрдам бермасалар бу хўжаликда аҳвол янада мушкуллашиб қолиши мумкин.

Райондаги «Октябрь» колхози картошка етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликлардан бири. Аммо, бу ерда уруғлик картошкани асраш масъулиятсизлик билан ёмон аҳволга ташлаб қўйилган. Омборларда ҳарорат даражаси белгиланганидан анча юқори, уруғлик картошка қўкариб кетмоқда. Бундай аҳвол «Правда» колхозида ҳам содир бўлаётир, уруғлик картошка вақтида сараланмаётганлиги сабабли чириб кетмоқда. Колхоз раҳбарлари эса хотиржам юрибдилар.

Бу йил Оржоникидзе район хўжаликларида 1200 гектар ерга картошка экилиши мўлжалланган. Бунинг учун 4900 тонна уруғлик картошка керак. Хисоб-китобларга қараганда, салкам 2 минг тонна уруғлик картошка етишмайди. Шунга қарамай район раҳбарлари ҳам, колхозлар раҳбарлари ҳам ташвишланмаётирлар.

Калинин районлик мусобақадошлар Оржоникидзе районида чорвачилик соҳасида бирмунча яхши натижаларга эришилганини кўрдилар. Сигирлардан бузоқ олиш анча дуруст. Ем-хашак мўлжалдан анча кўп жамғарилган. Бу қувонарли факт, албатта. Аммо, қиш энди бошланаяпти. Ҳар бир чорвадор маҳсулотни кўпроқ олиш учун молини йилнинг ҳамма фаслида тўйдириб боқиши керак. Бироқ, райондаги қатор хўжаликларда жамғарилган ем-хашак етиб ортади, деган кайфиятга берилиб, озуқа паланпартиш сарфланишига, кўплаб нушхурдга чиқиб кетишига йўл қўйилмоқда. Бунинг устига фермаларни механизациялаш, оғир қўл меҳнатини техника зиммасига юклашга ҳам етарли эътибор берилмаётир.

Мусобақадошлар техника ремонти кўнгилдагидек эмаслигини аниқладилар. Айрим колхозларда, масалан, «Октябрь» колхозида қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари даладан олиб келингани ҳолда новзарур жойлари мойланган-у, мойланиши керак бўлган жойларига мой сурилмаган ҳолда, очиқ ҳавода ёғин-сочин тагида ётипди. Ҳозиргача бирорта колхозда ҳам экиш агрегатларининг тайёр эмаслиги Оржоникидзе район хўжалик раҳбарларини шошилинч чоралар кўришга ундайди.

Мусобақадошлар районда ерлар унумдор, аммо ҳамма жойда ҳам ҳосилдорлик бир хилда эмас, бунинг учун ерлардан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирларини кўриш керак, деб айтдилар. Масалан, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида гектаридан 35 тоннадан сабзавот олинган, районда бу 20 тоннани ташкил этади. Айрим хўжаликларда бундан ҳам паст натижага эришилган, умуман, районда ҳосилдорлик секин ўсаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири гектарларда кўчат қалинлиги мўлжалдагидек эмас.

Ҳозирги пайтда партия ва ҳукуматимиз деҳқончилик ишларини ихтисослашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Эндиликда биз битта бригада ё битта колхозда 10—15 хил экин экилишига йўл қўймаймиз. Масалан, бу йилдан бошлаб бир колхозда картошка асосан икки-уч бригадада экиладиган бўлади. Сабзавот экинларини жойлаштиришда ҳам ихтисослаш принципи қўлланилади.

Орадан бир кун ўтгач, Оржоникидзе район ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ўз мусобақадошлари — Калинин районида бўлдилар.

Калинин райони республикамизнинг йирик сабзавоткор, боғдорчилик районларидан бири. Калининликлар ўтган йили 123 минг тоннадан ортиқ сабзавот тайёрладилар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини анча кўпайтирдилар. 1975 йилда, беш йилликнинг якунловчи йилида эса зиммаларига яна ҳам катта мажбурият олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан район сабзавоткорлари 137 минг тонна маҳсулот етиштиришга қарор қилдилар.

— Биз мусобақадошларимиз ишидан умуман ҳурсанд бўлдик, — деди Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси **А. Маҳсумов** район партия-хўжалик активи йиғилишида. — Улар ҳам, бизнинг районимиз меҳнаткашлари ҳам партиямиз Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Карл Маркс номли, «Ленин йўли», Охунбобоев номли, Ленин номли колхозларда шу кунлардаги иш умуман яхши йўлга қўйилган. Бу хўжаликларнинг аъзолари масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, меҳнаткашларни йилнинг ҳамма фаслида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш асосий вазифамиз деган шиор остида меҳнат қилаётирлар.

Лекин, шу билан бирга райондаги қатор хўжаликларда эртаги экинлар кўчатини барвақт етиштириш учун уруғ сепиш кечиктириб юборилмоқда. Биз бундай аҳволни Оржоникидзе номли, Навоий номли колхозларда кўрдик. Картошка, сабзавотчилик ва полизчилик илмий-текшириш институтида бу иш бизни ажаблантирди. Ахир, шу институт бошқаларга кўчат етиштириш, мўл ҳосил олиш йўлларини кўрсатиб бериши керак-ку?!

Навоий номли колхоз, «Хасково» совхозларида уруғлик картошкани сақлашда масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. «Хасково» совхозида 50 тоннадан ортиқ уруғлик картошка бир ерга уйиб қўйилган.

Хўжаликлардан район ташкилотларига келган маълумотларда барча техника ремонтдан чиқариб тайёрлаб қўйилди, деб ёзилади. Лекин, биз бирор колхозда ҳам техника тўла ремонтдан чиққанлигини кўрмадик.

Ильич номли колхознинг фермасидаги аҳвол бизни ташвишлантирди, чунки бу ерда зоотехника, зооветеринария қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. моллар гўппаларга бўлиб боқилмайди, сигирлар жуда ориқ. Уларнинг бола ташлаш ҳоллари учраб турипти.

Калинин ва Оржоникидзе районлари шаҳар меҳнаткаш лари йилнинг ҳамма фаслида деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлашдек улуғвор вазифа ўз зиммаларида эканлигини яхши биладилар. Бу вазифани теплица хўжаликларини яхшиламай туриб, қонқарли бажариб бўлмайди. Бироқ, Калинин районида ҳам, Оржоникидзе районида ҳам баъзи хўжаликлардаги теплица ишлари бугунги талаб даражасида эмас. Экин экиб қўйилгану, лекин парвариши талабга жавоб бермайди. кўчатлар сарғайиб, нимжон бўлиб ўсмоқда.

1975 йил, якунловчи йилда Калинин райони 137 минг, Оржоникидзе районы 100 минг тонна сабзавот етиштиришга қарор қилган лар. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан қишки ишларни белгиланган муддатлар да юқори сифатли бўлиши учун курашишлари, социалистик мусобақани янада кучайтириб, эл дастурхонига кўпроқ сабзавот, картошка ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашишлари лозим.

Ҳар икки районда бўлиб ўтган мусобақа якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилишларда область партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Камолов** қатнашди.

С. МАҲКАМОВ.

ИККИ РАЙОН МУСОБАҚАСИ

ЎРТОҚ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

Азиз Леонид Ильич, бошингизга тушган оғир қайғу — онангиз Наталья Денисовна вафот этганлиги муносабати билан Сизга чуқур қайғу ҳисларимизни ва таъзиямизни изҳор этамиз.

Биз ҳаммамиз Наталья Денисовнани камтарлиги, самимийлиги ва меҳрибонлиги учун ҳурмат қилардик ва ғоят қадрлардик.

Биз, Леонид Ильич, мана шу оғир дамларда Сизнинг жудолик қайғуларингизга ҳамдардмиз ва ҳамиша бўлганидек Сиз билан ҳамдаммиз.

Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Щербицкий, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев.

ЮТУҚЛАР БОИСИ

5-қурилиш бошқармаси Олмалиқдаги нешқадам коллективларидан бири ҳисобланади. Азамат қурувчилар ишлаб чиқариш план топшириқларини донмо ошириб бажариш билан шуҳрат қозонишган.

— Ана шу муваффақиятларга эришишда коммунистик меҳнат мактабларининг роли катта бўляпти,— дейди пропагандист ўртоқ Ярцев.— Тингловчиларнинг аудиторияда бевосита ишлаб чиқаришга алоқадор назарий билимларни эгаллашларига кўпроқ эътиборни қаратяпмиз.

Машғулотлар 8 та мактабда олиб бориляпти, уларда тингловчилар иқтисодий билим асослари билан қуролланмоқда. Тингловчиларга қулайлик тўғдириш мақсадида машғулотлар йирик корхона ва участкаларда ҳам ўтказилмоқда. «Маҳсулот сифатини ошириш йўллари», «Қурилиш материалларини иқтисод қилиш» мавзуларидаги лекция ва суҳбатлар тингловчиларга айниқса манзур бўлди. Шунингдек, ўқитувчи А. Симоновнинг «Меҳнатни илмий ташкил қилиш ва меҳнат интизоми», «Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш» номли суҳбатларини ҳам қурувчилар мароқ билан тингладилар.

ТОШКЕНТДАГИ трикотаж фирмасининг 1-филиалида Холида Йўлдошева пешқадам ишчилардан ҳисобланади. У кунлик нормасини мунтазам равишда 140—150 процентга етказиб, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирланди. Суратда: Х. Йўлдошева цех бошлиғи И. Хўжаев билан маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда.

Г. Эгамбердиева фотоси.

XIV ЧАҚИРИҚ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ VIII СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1974 ЙИЛГИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Область Совети меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1974 йилги иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилиб, қайд қиладики, областдаги шаҳар, район, қишлоқ ва поселка Советларининг ижроия комитетлари область партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш бўйича анчагина ишларни амалга оширганлар. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кундалик ғамхўрлиги ва эътибори туфайли ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати туфайли 1974 йил — тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида область экономикаси юксак суръатлар билан ўсди, область маданияти анча гуллаб-яшнади ва совет кишиларининг турмуш фаровонлиги ошди.

Область саноати муддатидан анча илгари, шу йилнинг 20 декабрида маҳсулот реализацияси бўйича давлат планини бажарди. Пландан ташқари 63 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот сотилади. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи маҳсулот ҳажми 9,3 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 6,2 процентга ошди. Капитал қурилиш борасида ҳам айрим ютуқлар қўлга киритилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда улкан ютуқларга эришилди. Область хўжаликлари муддатидан илгари 14 октябрда давлатга пахта сотиш плани ҳамда пландан ташқари топшириқларни адо этиб 451 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилнинг 72 проценти пахта териш машиналари билан йиғиб олинди. Ҳар гектар майдондан 32,1 центнердан ҳосил олишга эришилди. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, луб, дон, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари бўйича мажбуриятлар ҳам анча ошириб бажарилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда дон етиштириш 6 процент, сабзавот 9 процент, гўшт 19,5 процент, сут 17,7 процент, тухум 17,5 процент, жун 11 процент оширилди. Дағал хашак тайёрлаш, сенаж ва силос бостириш бўйича халқ хўжалик планлари ошириб бажарилди, қишловни муваффақиятли ўтказиб олиш учун яхшигина асос яратилди.

Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, савдо, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш янада ривожланди.

КПСС XXIV съезди қарорлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг статуси тўғрисида СССР Қонунини амалга ошириш натижасида маҳаллий Советларнинг оммавий-ташкилий ишлари даражаси анча ошди. Уларнинг ижроия комитетлари доимий комиссиялари ва депутатларнинг активлиги ортди.

Маҳаллий Советларнинг керакли даражада назоратлари бўлмаганлиги натижасида областдаги қатор корхоналар мунтазам равишда маҳсулот реализацияси планини бажармаётирлар. Меҳнат унумдорлиги бўйича планни 25 корхона бажаролмади ва 27 корхона ҳар бир ишчи ҳисобига олганда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни пасайтириб юборди. Натижада область бўйича 17,8 миллион сўмлик маҳсулот кам етиштирилди.

Капитал қурилиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Шу йилнинг ўн бир ойи давомида қурилиш ташкилотлари томонидан 21,7 миллион сўмлик капитал маблағ, қурилиш-монтаж ишлари бўйича эса 10,7 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади.

Айниқса капитал маблағлар плани ҳажми Чирчиқ шаҳрида (84 процент), Оҳангарон районида (88 процент) ва Оржоникидзе районида (86 процент) қониқарсиз бажарилмоқда. Область ижроия комитетининг айрим бўлимлари ва бошқармалари томонидан ҳам маблағларни ўзлаштириш қониқарсиз даражада бўлаётир. Маҳаллий саноат бошқармалари (82 процент), қишлоқ хўжалик бошқармаси (57 процент), алоқа бошқармаси (64 процент), савдо бошқармаси (82 процент) ҳам бу соҳадаги планни бажаришда қониқарсиз иш олиб борди.

Мактаблар ва боғчалар қурилиши ўта сустлик билан бормоқда. Мактаблар бўйича капитал маблағлардан фойдаланиш плани 82,9 процент, болалар боғчалари бўйича 70,3 процент бажарилди, холос.

Қишлоқ хўжалигида ҳам камчиликлар мавжуд. Айрим хўжаликлар мавжуд резервлар ва имкониятлардан халқ хўжалиги планларини сўзсиз бажариш учун фойдаланмаётирлар. Улардан баъзиларида отарларни янгилаб олиш ёмон аҳволда. Сигирларнинг ўринсиз нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда, чорва моллар ва паррандалар бош сонини камайтириб юбордилар, маҳсулдорлик пасайиб кетганлиги натижасида чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда тўсқинликлар вужудга келяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатиш доираси: савдо, умумий овқатланиш корхоналари, турар-жой, коммунал, транспорт ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш каби корхоналар фаолиятида ҳамон нуқсонлар мавжуд.

Айрим Советлар қонунчиликка етарли риоя қилмаяптилар. Давлат интизомига хилоф иш тутаётганларга қарши етарли даражада кураш олиб борилмаяпти. Лавозимли шахсларнинг ўзларига топширилган ишларига масъулиятини оширишга унчалик аҳамият берилмаётир. Бу эса давлат план ва топшириқларининг бажарилишига путур етказмоқда.

Оммавий-ташкилий ишлар кўламида ҳам жиддий камчиликлар бор. Советлар сессиялари ва ижроия комитетлар кенгашлари баъзан пухта тайёргарликсиз, жойлардаги аҳволни анализ қилмаган ҳолда, лозим даражадаги танқид ва ўз-ўзини танқидсиз ўтмоқда. Айрим ижроия комитетлар ўз ишларида ҳамон доимий комиссиялар депутатлар ва жамоат активига етарли даражада таяниб иш тутмаяптилар. Юқори органлар ва ўз қарорларининг бажарилишига назорат қилиш ишлари борасида ҳамон нуқсонлар рўй бериши давом этяпти.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ҳамма вақт ҳам гражданлар ариза ва шикоятларига эътибор билан ёндошмоқдалар деб бўлмайди, уларни кўриб чиқишда ҳамон сустлик ва бюрократларча совуққонлик элементлари мавжуд.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1974 йилги фаолияти маъқуллансин.

Меҳнаткашлар депутатлари барча Советлари ижроия комитетларининг энг муҳим вазифаларидан бири ташкилотчилик ишларини янада яхшилаш, топширилган ишга юксак интизом ва масъулият билан муносабатда бўлиш, ижроия комитетлар иш услуби, методи ва шаклини такомиллаштириб бориш, унинг бўлимлари ва бошқармалари ишини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришдан иборат деб ҳисоблансин.

2. Область Советининг ижроия комитети, унинг бўлимлари ва бошқармалари, шаҳар, район қишлоқ ва поселка Советларининг ижроия комитетлари зиммасига ишдаги нуқсонларни бартараф этиш вазифаси юклансин. Бунинг учун эса:

— корхоналар, колхоз ва совхозларнинг фаолияти юзасидан назоратни кучайтириш, улардаги мавжуд ички ресурслар ва бошқа имкониятлардан саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш йўлида фойдаланиш;

— маҳаллий саноатни ҳартомонлама ривожлантириш, халқ истеъмол товарлари ва социал-маданий товарлар етиштиришни кўпайтириш мақсадида маҳаллий саноатга тегишли бўлган корхоналар ишининг жонланишига таъсир кўрсатиш;

— аҳолига хизмат кўрсатишга жалб этилган коммунал-маиший ва транспорт корхоналари, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, савдо ва умумий овқатланиш ва умуман барча корхоналарнинг ишига раҳбарлик қилишни яхшилаш ва мунтазам назорат қилиб бориш;

— социалистик қонунчилик ва тартибот ҳуқуқи, жамоат ҳамда шахсий мулкни муҳофаза қилувчи, гражданларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, жиноятга қарши иш олиб борувчи милиция ва бошқа органларнинг иши юзасидан контролликни янада яхшилаш талаб қилинади.

Бу ишларда жамоатчиликка таяниб иш тутиш халқ кўнгилли дружиначилари ўртоқлик судлари фаолиятини яхшилаш лозим.

Аҳоли орасида ҳуқуқ пропагандасини кучайтириш зарур.

— Шаҳарлар, поселкалар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштиришга, турар-жой, маданий-маиший объектлар ва йўл қурилишини ташкил этишга, иш сифатини яхшилаш, ҳар бир поселка, қишлоқ Советлари (колхоз ва совхоз) территорияларида аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари, бўлишига эришиш, қурилиш учун ва фойдаланиш учун ер ажратиш, шаҳарлар, район марказлари, поселкалар ва қишлоқлар қурилишида ўрнатилган тартибларга риоя қилишга эришиш ва кўпроқ бу ишларга эътибор бериш керак.

3. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, область ва районлар қишлоқ хўжалик бошқармалари, суғориш системалари бошқармалари, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ва уларнинг жой-жойлардаги органлари зиммасига кузги-қишки ишларни намунали ўтказиш, қишловни муваффақиятли ўтказиб олиш, қишлоқ хўжалик техникасини баҳорги мавсумга тахт қилиб қўйиш ва лозим бўлиб қолган пайтда ниҳоятда қисқа муддатлар ичида экиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш вазифалари юклансин.

4. Маҳаллий Советлар ижроия комитетларига ташкилий-оммавий ишларни яхшилаш топширилсин. Советлар сессияларининг роли ва аҳамияти оширилсин. Уларда кўриб чиқиш учун шаҳар, район, поселка ва қишлоқ ҳаётига оид актуал масалалар тайёрлансин. Ўз фаолиятларида Советлар тўғрисидаги қонунлар ва меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисидаги қонунга таяниб иш тутсинлар. Доимий комиссиялар ўзларининг кунлик иш жараёнларида депутатлар ва меҳнаткашларнинг кенг активига таянишлари, уларнинг фаолиятини давлат ишларини бошқаришда актив иштирок этишга жалб этишлари лозим. Иқтисодий ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда актив қатнашишга эришиш зарур.

Область Совети, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари область партия ташкилотининг раҳбарлиги остида барча меҳнаткашларни КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга жалб қилиш, уларни 1975 йил — тўққизинчи беш йиллик сўнгги йили халқ хўжалик планларини бажаришга сафарбар этиш учун барча тадбирларни амалга оширадилар ва Ватанимиз экономикаси ҳамда маданиятининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар деб қатъий ишонч билдиради.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
П. ЮСУПОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ҲАР БИР КОММУНИСТ— ҒОЯВИЙ ЖАНГЧИ

1-«Оҳангарон» совхози партия комитети ишлаб чиқариш билан идеология ишини чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормоқда. Бу ерда 23 агитатор, 20 сиёсий ахборотчи, 130 сиёсий ташкилотчи, ғоявий-партиявий соҳада турли тадбирларни амалга оширмоқда. Айниқса хўжаликнинг иккинчи бўлимида, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилган. Коллектив йиллик план-топшириқларни муттасил ошириб бажариб келаяпти. Сабзавот топшириш плани 125 процентдан орттириб адо этилди. 1-бўлим сут-товар фермаси коммунист З. Ҳасанова билан фахрланади. У фидокорона меҳнатлари эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Актив коммунист фермада ғоявий-сиёсий ишни жонлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Совхоз коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида «КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV пленуми қарорлари асосида совхоз партия ташкилотининг идеология ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Шу ҳақда доклад қилган партком секретари Х. Бўронов идеология ишида эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланмай, аксинча бу ютуқларни мустаҳкамлаш, бу борада коммунистларнинг жанговарлигини ошириш ҳақида гапирди. Идеология ишини яхшилаш йўлида конкрет тадбирлар белгиланди.

1-«Оҳангарон» совхози Оҳангарон районидаги пешқадам хўжаликлардан. Совхоз сабзавоткорлари аниқловчи йилда давлатга сабзавот сотиш планини 134 процент, мева 240,6 процент, узум эса 155 процент қилиб бажардилар. Совхоз коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Эришилган барча ютуқларда ўз сафига 126 коммунистни бирлаштирган совхоз партия комитетининг ҳиссаси катта.

О. ХУШНАЗАРОВ.
«Оҳангарон» газетасининг ходими.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АВАНГАРДИ

К. Маркс номли колхоз Калинин районидаги энг йирик сертармоқ ва экономикаси йилдан-йилга юксалиб бораётган хўжаликлардан биридир. Колхознинг лабзиҳалол деҳқон ва чорвадорлари тўққизинчи беш йиллик тўртинчи йилида социалистик мажбуриятларни зиёдаси билан адо этдилар.

Хўжаликда коммунистларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш участкаларида бўлишлари план-топшириқларни ошиғи билан адо этишга катта таъсир кўрсатаяпти. Коммунист Ф. Аъзамов бошчилик қилаётган бригада маккажўхорининг ҳар гектаридан 80 центнердан дон, 650 центнердан кўкпоя олиниб, кўплаб силос бостирилди. Бригада гектаридан 150 центнердан эртаги картошка, салкам 400 центнердан помидор йиғиб олди.

КПСС аъзоси З. Камолов бошлиқ бригада деҳқонлари экинларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, ҳар гектаридан 400 центнердан карам, 160 центнердан пиёз олишга эришдилар.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида турувчи 118 коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини кучайтириш билан бирга жамоат топшириқларини тўғри тақсимлаш ва унинг бажарилишини назорат қилиб борилишига алоҳида эътибор бермоқда. Н. Богдасарян, С. Маҳмудхўжаева, Ш. Эшбоев, Қ. Раҳимов каби коммунист-сиёсий ахборотчилар меҳнаткашларга партия ва ҳукуматимиз қарорларини тушунтириш борасида намуна бўлишмоқда. 66 сиёсий ташкилотчи ва 20 агитаторлар сафида ҳам кўпчиликни коммунистлар ташкил этади. Партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорларини бажара бориб, идеология ишини янада такомиллаштириш тадбирларини кўрмоқда.

Хўжаликда келаси йил баҳорги экин мавсумига тайёргарлик кундан-кунга қизиб бормоқда.

А. ҚУРБОНОВ,
Калинин район партия комитетининг инструктори.

КУН ТАРТИБИДА— МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети фабрикалар бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарлари ва активларининг ҳисоботларини тез-тез эшитиб боради. Бу тадбир ўз навбатида партия ташкилотлари фаолиятини сифат жиҳатдан яхшиланишига сабаб бўлмоқда.

Комбинат партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида 2-тўқув-йигирув фабрикаси партия ташкилотининг секретари Т. Роденконинг «Иш вақтидан унумли фойдаланиш ва унда коммунистларнинг авангардлик роли» деган темадаги ҳисоботи тингланди. Фабрикада қилинаётган ибратли ишлар ҳақида батафсил гапирди. Ташаббускор коммунистлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, Е. Губина, А. Верзинина, Л. Герасимова, В. Костериналарнинг тажрибаларини кенг қўллаш ҳақида фикрлар билдирилди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққан комбинати директори А. Бурхонов, комбинат партия комитетининг секретари В. Мимрина ва бошқа коммунистлар 2-йигирув-тўқув фабрикаси партия ташкилоти фаолиятидаги ютуқ ва камчилик ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини айтишди. Йиғилиш охирида тегишли қарор қабул қилинди.

Н. АЛИЕВ,
«Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

ҒОЛИБ КОМСОМОЛ КОЛЛЕКТИВЛАРИ

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган.

Айниқса комсомол-ёшлардан иборат коллективлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг натижалари қувончли бўляпти. Яқинда ўтган ойдаги социалистик мусобақа якунлари эълон қилинди. Бу гал Қалмоққир конидаги Р. Сатторов бошлиқ комсомол-ёшлар биринчиликни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин рух заводининг Т. Гасанов сменаси йигит ва қизларига тегди. Учинчи ўрин эса мис эритиш заводининг В. Шечки бошчилигидаги комсомоллар сменасига берилди.

Мусобақа жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамфикрлик планларни доим ошириб бажаришга ҳамда фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга омил бўлмоқда.

БЎСТОНЛИҚ районидаги Сойлиқ қишлоғида Адҳам Маҳкамовни танимайдиган одам йўқ. Бу коммунист қишлоқда 30 йилдан бери монтер касбида ишламоқда. Юқори малакали мутахассис А. Маҳкамов шу атрофдаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози хўжаликларини ва «Оқтош» санаторийсини электр-энергияси билан таъминлашда катта хизмат қилиб келади. СУРАТДА: А. Маҳкамов трансформатор пунктида.

И. Портнов фотоси.

МЕДИЦИНА РАВНАҚ ТОПАДИ

Янги 1975 йилга қадам қўйдик. Ўтган йил якунларидан мамнун ҳолда бу қутлуғ йилни катта орзулар ва режалар билан бошладик. Медицинамизни олиб кўрайлик. Ўзбек медик олимларининг қўлга киритган ютуқлари талайгина. Айниқса хирургия, микробиология, педиатрия каби соҳаларда жиддий ижодий ютуқлар қўлга киритилди. Бу йил ҳам медицинамиз янада равнақ топади.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида битилган сатрларни ўқир эканмиз фахрланиш ҳиссига тўлиб-тошамиз. Мурожаатда, жумладан, соғлиқни сақлашни янада равнақ топтиришга даъват этилган. Албатта, бу иш фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлиги туфайли амалга оширилади. Шунинг учун ҳам институтимиз олимлари ва мутахассислари Мурожаатни ўқиб ўрганар эканлар, ўз зиммаларига янги мажбуриятлар қабул қилмоқдалар.

Биз самарали тадқиқотларимиз билан партиямиз даъватига жавоб берамиз.

А. ОБИДОВ,
Тошкентдаги вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ЛУҒАТ-СПРАВОЧНИГИ

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ

Африка бирлиги ташкилоти— (АБТ) — қитъадаги энг йирик регионал сиёсий ташкилот бўлиб, Жанубий Африка Республикасидан ташқари Африкадаги мустақил мамлакатларнинг ҳаммасини бирлаштиради. Африка мамлакатлари давлат ва ҳукумат лари бошлиқларининг 1963 йил 22—25 майда Аддис-Абеба шаҳри (Эфиопия)да бўлиб ўтган конференциясида тузилган. АБТ нинг мақсадлари, фаолияти принциплари ва структураси шу конференцияда қабул қилинган Африка бирлиги хартияси (АБТ Устави)да ўз ифодасини топган. АБТнинг ташкил этилиши империализм ва янги мустамлакачиликка қарши курашда Африка мамлакатлари жипслигини мустаҳкамлаш ишида муҳим босқич бўлди. Хартияга мувофиқ АБТ: Африка давлатлари бирлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг координация қилиш ва кенгайтириш, улар нинг суверенитети, территориал бутунлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, Африкада мустамлакачиликнинг ҳамма кўринишларига барҳам бериш, халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш мақсадларини ўз олдига қўйган. Шу мақсадларга эришиш учун АБТ аъзоси бўлган мамлакатлар ташқи сиёсат, экономика, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва техника, мудофаа соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга қарор қилдилар. АБТ фаолияти аъзоларининг суверен тенглиги, ички ишларга аралашмаслик, ҳар бир мамлакатнинг территориал бутунлиги ва мустақиллигини ҳурматлаш, давлатлараро жанжалли масалаларни тинч йўл билан бартараф этиш, Африкада ҳалигача сақланиб келаётган мустамлакалардаги озодлик курашига кўмаклашиш, блокларга қўшилмаслик қўпорувчилик фаолияти ва сиёсий террорни қоралаш каби принципларга таянади.

АБТ ўз фаолиятида Африкани мустамлака қолдиқларидан халос қилиш учун курашга, ирқчилик ва апартеидга қарши курашга катта эътибор беради, АБТ Африка давлатлари ўртасида мустамлака сиёсатининг оқибати сифатида юзага келган қатор территориал можароларни ҳал этишда, айрим Африка давлатлари ўртасидаги низоларни бартараф қилишда ижобий роль ўйнади. АБТ Африка мамлакатлари ишига империалистик аралашувнинг олдини олишда актив ҳаракат қилмоқда. АБТ фаолиятидаги қийинчиликлар даставвал мустамлакачилик мероси билан, империализм ва янги мустамлакачаликнинг ҳийла-найранглари билан боғлиқдир. Давлат ва ҳукуматлар бошлиқлари ассамблеяси, Министрлар Совети, Бош секретариат, Воситачилик, яраштириш ва арбитаж бўйича комиссия—АБТ нинг асосий органларидир. АБТ нинг штаб-квартираси Аддис-Абебада жойлашган. АБТнинг 1972 йил 12-15 июнда Работ (Марокко)да бўлиб ўтган IX Ассамблеясида Камерун вакили АБТ нинг бош секретари қилиб сайланган.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

Ўзбекистон ССР социал таъминот министрлигига қарашли 3-тикув комбинати коллективи тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилини меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Янги техника ва технологияни жорий этиш, илғор иш усулларини қўллаш, новаторлик ҳаракатига эътибор бериш кабилар бунда катта роль ўйнади. Шунингдек, социалистик мусобақанинг роли ҳам беқиёс бўлди.

Комбинат коллективи Олмалиқдаги тикув фабрикасининг коллективи билан ўзаро социалистик мусобақа шартларига имзо чеккан эдилар. Бу ўзаро ҳамкорлик яхши самаралар берди. Икки корхонада вужудга келган янгиликлар олдинма-кетин жорий этила бошланди.

Комбинат аҳли ўтган йил бошида йиллик планни 20 декабрда бажаришга ваъда берган эдилар, йил охиригача пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Умуман, 1 декабргача 9.329 минг 200 сўмлик маҳсулот реализация қилиниб, тўрт йиллик план бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича план 107,1 процентга етказилди. Маҳсулот таннархи арзонлашиб, сифати яхшиланди. Бутун йил давомида истеъмолчилардан комбинат маҳсулотларига шикоят тушмади. Ўтган йилда саккиз хил моделдаги либослар тикиш ўзлаштирилди. Шунингдек, 5 минг сўмлик хомашё ва бошқа материаллар тежаб қолинди. Булардан келган фойда 204 минг 500 сўмни ташкил этади.

Корхонада Л. Казанцева ва Е. Губина ўртоқларнинг 80 дан ортиқ издошлари бор. Мастер М. Риженкова, тикувчилардан М. Абдуллаева, М. Назарова, Ф. Игимбетова, М. Исроилова, М. Нуриддиновалар шулар жумласидан. Улар ҳозир 1977—78 йиллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Комбинатда коммунист Райҳон Бойдадаева бошчилик қилаётган 50 чевардан иборат коммунистик мехнат бригадаси шуҳрат қозонган. Улар республика юбилейи арафасида беш йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бундан ташқари, цехлар, бригадалар ва айрим кишилар ўртасида ҳам социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. 129 кишига коммунистик меҳнат зарбдори номи берилган, 68 чевар эса мана шу юксак ном учун курашмоқда.

Шундай, комбинат коллективининг ўтган йилги ютуқларида ва келгуси улкан режаларида социалистик мусобақанинг роли катта бўлмоқда.

Т. НАЖМИИ.

1975 ЙИЛ—БИЗ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ, БУ УРУШДА СОВЕТ ХАЛҚИ ОММАВИЙ ҚАҲРАМОНЛИК ВА МАРДЛИК КЎРСАТДИ, СОЦИАЛИСТИК ВАТАН ОР-НОМУСИ, ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛДИ, ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ ФАШИСТЛАР АСОРАТИ ХАВФИДАН ОМОН САҚЛАБ ҚОЛДИ. УЛУҒ ҒАЛАБА ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ, УНИ МЕҲНАТ ФРОНТИДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН НИШОНЛАШ — ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан).

ВАТАНИМИЗ озодлиги йўлида жон фидо қилган қаҳрамонлар хотираси қалбимизда абадий сақланади. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўғил-қизларимиз хотирасига ўрнатилган монументлар, ёдгорликлар, обелисклар атрофи ҳар доим одамлар билан гавжум. Бу ерда ёшлар тантаналр суръатда пионерга, комсомолга қабул қилинадилар, кекса авлод билан учрашадилар. Суратда: Бекобод шаҳрида Совет Армияси жангчилари хотирасига ўрнатилган монументни кўриб турипсиз.

В. Тараи фотоси.

СОЛДАТ САҲИФАСИ № 112

ЖАНГОВАР ВАРАҚА

Раҳим ўз архивидаги ҳужжатларни кўз қорачиғидек асраб келади. Жанговар йилларга гувоҳ бу саргайган саҳифаларга Раҳим ва унинг дўстлари кўрсатган жасорат лавҳалари муҳрланган.

...Белоруссия ерларида қонли жанглар давом этарди. Тўпчи Раҳим Измоилов яқинлашиб келаётган танкларга қарата тинмай ўт очарди. Ўшанда у тўп командири эди. Тенгсиз жангларда батарея командири ҳалок бўлди. Тўп командири Раҳим Измоилов батареяни олға бошлашга тутинди. Немислар анча орқага суриб ташланди. Бироқ, орадан кўп ўтмай душман қаршн ҳужумга ташланди. Раҳимнинг йигитлари душманнинг яқинлашиб келишини кутишди-да, сўнг мудофаа чизиғи бўйлаб ёпасига ҳужум бошлашди. Юзлаб фашистлар шу тепалик бағрида ер тишлади. Чекинганлари пайт пойлаб, қарши ҳужум бошлади. Шу жангда Раҳим Измоилов қўлидан қаттиқ яраланди. Лекин у жангни ташлаб кетмади, топширилган участкани маҳкам сақлаб турди.

Командирнинг жасорати ҳақида ўша кунинг эртасигаёқ жанговар варақа ёзилиб, бутун дивизия бўйлаб тарқатилди. Варақада жангнинг тафсилоти ва Раҳим Исмоилов йигитлари кўрсатган жасорат мадҳ этилган эди.

Шарқий Пруссияда бўлган жангларда эса Раҳим Исмоилов учта «фердинанд» танкини яксон қилди. Бу жасорати учун учинчи даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Раҳим Измоилов яна бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди. Уруш ғалаба билан тугагач, она юртига омон-эсон қайтиб келди. Ҳозир у Келес қишлоғида яшаб меҳнат қилмоқда. Мактабларда бўлаётган учрашувларга биз уни таклиф этамиз. Довюрак жангчи ўқувчиларга фронт лавҳаларидан сўзлаб беради.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Калинин районидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ОРТИМИЗДА МОСКВА...

Гитлерчи фашист босқинчилари севикли Ватанимизга қўққисдан ҳужум қилганда Тошқул Сидиқов Вильнюс шаҳрида 5-механизациялашган ўқчи полкда хизмат қиларди. Улуғ Ватан урушининг биринчи ҳафтасидаёқ полк жангга кирди.

Минск, Могилев, Смоленск, Можайск шаҳарлари учун қаттиқ мудофаа жанглари бўлди. Аммо, фашистлар катта куч билан ҳамон илгарилаб келарди. Жангчиларимиз Москва шаҳри остоналарида тайёрланган мустаҳкам мудофаа истеҳкомига чекиндилар. Бу ерда қўшинларимиз душманнинг саралланган дивизияларига қарши мудофаа жанглари олиб бориб, қарши ҳужумга ўтишга ҳам тайёргарлик кўрардилар.

Ҳужумга ўтишдан бир кун олдин жангчилар олдига дивизия командири генерал-лейтенант Асожни билан полк командири полковник Матиевлар келишди.

— Хўш, йигитлар яна чекинамизми?— синовчан кўз билан жангчиларга тикилди генерал.

— Ўртоқ генерал! Ватанимиз бепоён, лекин чекиниш учун бошқа жой йўқ. Ортимизда жонажон Москва турибди,— дейишди жангчилар бир овоздан.

— Балли, азаматлар! Чекина олмаймиз. Эртага ёки индинга фашистларни мана шу ерда, Москва остоналарида тишини синдирамиз,— деди генерал.

1941 йил декабрь ойининг қишли-қировли кунлари эди. Икки-уч кундан кейин қўшинларимиз ҳужумга ўтиб, душманни Москва остоналаридан 150 километр нарига улоқтириб ташлашди. Бу жангда Т. Сидиқовнинг ўзи душманнинг уч танкини мажақлаб ташлаб, 50 дан ортиқ солдат ва офицерларини ер тишлатди. Жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун у биринчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

Оғир жангларда тобланган Тошқул Сидиқов ўз қисми жангчилари билан Сталинград шаҳри учун бўлган қонли жангларда ҳам қатнашди. Шиддатли жанглар билан душманни Берлингача қувиб борди ва ўз она қишлоғи Сижжакка кўкси орден-медалларга тўлиб қайтди. Яна ўзининг севгаи касби ўқитувчилик қила бошлади. 30 йилдан буён 43-ўрта мактабда ёш авлодга билим бермоқда, уларни коммунистик руҳда тарбиялаб келмоқда.

Унинг кўп йиллик ҳалол меҳнати ва жамоат ишларидаги активлиги район ва область халқ маорифи бўлимлари томонидан бир неча бор муносиб тақдирланди.

У. НИЁЗОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ТУНГИ ТРЕВОГА

...Аскарлар кун бўйи давом этган машқлардан чарчаб келиб, ширин уйқуга кетишган ҳам эдики, казарма бўйлаб қутилмаганда тревога янграб қолди. Алоқачилар бир зумда апил-тапил кийиниб, қурол-аслаҳаларни қўлга олиб, яна сафга тизилдилар. Жанговар машқлар бошланди...

Курсант Алиев радиостанцияни керакли частотада ишга солиб, эфирга сигнал берди. Машғулот қизигандан қизиб борар, алоқачилар радиостанцияларни тезлик билан ишлатишар эди. Машқлар давомида курсант Алиев маҳорат билан ишлади, командирлик раҳматномасига сазовор бўлди.

...Обид кичик командирлар мактабига тасодифан келиб қолгани йўқ. Армия хизматини бошлаганида аввал бироз қийналди, турли жанговар машқлар билан тўла солдатлик ҳаётига кўника олмай юрди. Лекин, кўнлар ўтиши билан унинг иродаси мустаҳкамланди, ўзига ишончи ортди, жисмоний жиҳатдан янада чиниқди. Дадил ҳаракатлари, билими, қобилияти ва интизоми билан у огиз-га тушди.

Бир куни командир Алиевни ўз ҳузурига чақириб қолди.

— Сизни кичик командирлар мактабига ўқишга жўнатмоқчимиз,— деди офицер.— Алоқачилик ихтисосини эгаллаб, яна ўз қисмингизга қайтасиз...

Жиддий синовлар вақти келди. Обид имтиҳонларни аълога топшириб, қадрдон қисмига младший сержант унвони билан қайтди. Энди унинг ўзи бўлинма командири. Солдатлар билан ишлаши, уларни жанговар маҳорат сари етаклаши керак.

...Ҳаво совуқ. Муздек ёмғир томчиларини шамол солдатлар юзига уради. Йигитлар ҳамон машқда. Шу куни Обид ва унинг дўстлари жанговар топшириқни аъло даражада бажаришди.

...Обид Ленин хонасига кирди-ю, чеҳраси ёришиб кетди. Хона тўрида илғор взводлар ҳаётига бағишланган стендлар турар, юқорида эса ўзи хизмат қилаётган взвод номи ёзиб қўйилган эди.

Кунлар, ойлар ўтяпти. Обиднинг армия хизматидан бўшайдиган вақти яқинлашмоқда. Ундан ҳамма хурсанд. Ўз йигитлик бурчини шараф билан адо этмоқда.

В. КРЕМЛЕВ,
подполковник.

ИЗМА-ИЗ

Артиллериячилар полки Петродворецдан чегара яқинидаги Горелово станцияси районига аэродромни қўриқлаш учун юборилди.

Полк командири одати бўйича ҳар шанба куни батареяларни бир айланиб чиқарди. Командир 2-батареяга келганда Зокир Исомов ўз замбараги қисмларини ҳафсала билан артиб турарди. У ҳатто командирнинг келиб қолганини ҳам сезмай қолди.

Командир мийнгида кулиб, ўз қисмида шундай жангчилар борлиғидан фахрланиб қўшни батарея томон юрди.

Кечки овқат олдидан қисм сафга тизилди. Командир энг аълочи жангчилардан ўн беш кишига, шу жумладан Зокир Исомовга ҳам ташаккурнома эълон қилди. Қўмондонликдан ташаккурнома олган Зокир ўша куни алламаҳалгача ухлаёлмай ширин хаёллар оғушида ётди.

...Тонг саҳарда тревога кўтарилди. Казармалардаги жангчилар сапчиб ўринларидан туриб, зум ўтмай сафга тизилдилар. Дивизия командири саф олдига келди, чеҳраси ташвишли: Гитлерчилар Германияси Ватанимизга ёнёнаткорона бостириб кирган эди.

Қўмондонлик буйруғига мувофиқ, артиллериячилар полки урушнинг иккинчи куниёқ Кронштадтни мудофаа қилиш учун юборилди. Орадан бешолти кун ўтгандан сўнг душман осмондан десант ташлади. Қаттиқ жанглар бошланиб кетди. Зокир Исомов душман айғоқчилари ва десантчиларига қарши курашувчи махсус отрядга кирган эди.

Отряд жангчилари асосан тунда ишлашарди. Улар қисқа муддат ичида қирқдан ортиқ душманни ушладилар. Орадан бир ой ўтгандан сўнг отряд жангчиларини Ленинградга разведкачилар ўқувига юборишди. Ўқувдан қайтгач, улар Гатчино ва Ладога кўли атрофларида разведка ишларини олиб бордилар. Кейинчалик Зокир командирлар тайёрлаш курсини тамомлади ва майор Ванкин командирлик қилган 258-артиллериячилар полкига келди. Уни полкнинг разведкачилар группасига командир қилиб тайинладилар.

Ўша кунларда Ленинград фронти билан Волхов фронти қўшинлари душман қамалидан ёриб ўтиш учун пухта ҳозирлик кўраётган эди.

Кунлардан бир кун полк командири майор Ванкин душман мудофаасини разведка қилиш, унинг кучи ва техникаси ҳамда ўт очиш нуқталари жойлашган ерларни пухта аниқлаб хабар беришни буюрди.

ФРОНТ ЛАВҲАЛАРИ

Исомов командирнинг жанговар буйруғини бажариш учун ўз қўли остидаги моҳир разведкачилардан Галкин, Тепанов ва Барановлар билан биргаликда, тун қоронғусида разведкага жўнади. Улар чаққонлик билан душман қароргоҳига етиб бориб, фронт линиясини пухта разведка қилганидан сўнг, вазият нозиклигига қараб, полк командирига радио орқали шошилинч хабар беришди, кучли ўт очишлари зарурлигини айтишди.

Орадан кўп ўтмай артиллериячиларимиз отган снарядлар Сенявский тепалиги устида бирин-кетин портлаб, душман позицияларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Тонг отарда пиёда аскарларимиз тепалик томон ҳужум қилиб, тез орада уни ишғол қилдилар. Қўмондонликнинг жанговар буйруғини шараф билан бажаргани учун Зокир Исомов ва бошқа разведкачилар «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

1944 йилнинг 20 январь куни Ленинград ва Волхов фронтларининг қўшинлари Новгород шаҳрини босқинчилардан озод қилдилар. Шаҳарни озод қилишда Зокир Исомов хизмат қилган артиллериячилар полки алоҳида ўрнак кўрсатди.

1944 йилнинг 23 июль куни 3-Болтиқбўйи фронти қўшинлари Псков шаҳри ва йирик темир йўл узелини штурм билан эгалладилар. Псков учун бўлган жанглар вақтида баҳодир ўзбек ўғлони Зокир Исомов қаттиқ яраланиб қолди. Дала госпиталида даволангач, яна ўз қисмига қайтди. Ўша кунларда полк Нарва дарёси бўйларида қизғин жанг олиб борарди.

Зокир Исомов Болтиқбўйи республикалари — Эстония, Латвия ва Литвани ёвуз душмандан озод қилишда мардлик ва матонат намуналарини кўрсатди. У ўз қисми билан душманга дам бермай, изма-из қувиб бориб, Польша учун жангларда ҳам қатнашди. Сандомир плацдармида бўлган жангларда кўрсатган ботирлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Қўшинларимиз Берлинга яқинлашиб келганда артиллериячилар сафида Зокир Исомов ҳам бор эди.

Суворов, Богдан Хмельницкий орденлари билан мукофотланган гвардиячи артиллериячилар полки ғалаба кунини Чехословакия пойтахти Прагада кутиб олди.

Ўзбек халқининг жасур ўғли Зокир Исомов ўз қишлоғига кўкрагига Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун», «Ленинград мудофааси учун», «Берлинни ишғол қилгани учун», «Прагани озод қилгани учун» медаллари таққан ҳолда кириб келди. Ўшандан бери у Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозда механизаторлик қилиб келмоқда. Ҳозир у етти боланинг отаси. Катта ўғли Шокиржон Совет Армияси сафида аъло даражада хизмат қилмоқда. Оиласи бахтли, турмуши фаровон.

Адҳам РАҲМАТ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ҚАҲРАМОН ШАҲАРЛАР ШАРАФИГА

«Ўзбекхиммаш» заводи коллективи янги йил арафасида ажойиб ташаббус бошлади. Завод ишчилари Буюк ғалабанинг 30 йиллиги олдидан қаҳрамон шаҳарлар шарафига меҳнат вахтаси эълон қилдилар. Биринчи бўлиб Москва шаҳри шарафига, сўнг Киев шаҳри шарафига меҳнат вахтасида турдилар.

Ташаббуснинг туғилиши бежиз эмас эди. Ҳозир корхонада уруш ветеранларидан 160 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги беш йиллик топшириғини барвақт адо этишган. Механика-йиғув цехи токари Константин Никитин беш йилликни икки ярим йилда бажариб қўйиб, энди яна бир беш йилликни бажариш учун курашмоқда.

Илғорлар ташаббуси Чирчиқ шаҳри бўйлаб қанот ёймоқда. Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва иссиққа чидамли металлар комбинати коллективи яқинда ўзаро маслаҳатлашиб, буюк сана нишонланаётган кунларда беш ойлик топшириғини, 7 ноябргача эса беш йилликни бажаришга аҳд қилдилар. Шу давр мобайнида плавдан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилади. Икки хил буюм сифат белгисини олишга тақдим этилади.

Шаҳар бинокорлари ҳиммати ҳам баланд. 93-механизациялашган кўчма колонна коллективи ўтган йилни бир ой олдин якунлаган эди. Йил давомида 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Энди улар янги йилнинг дастлабки тўрт ойи планини уч ярим ойда бажариш юзасидан мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Бу ташаббусга «Чирчиқжилсстрой», 225—УНР коллективлари ҳам қўшилишган.

Буюк Ғалаба шарафига бошланган мусобақа қўлами кун сайин кенгаймоқда. Трансформатор, «Чирчиксельмаш» заводлари, «Ғунча» пойафзал фабрикалари, 10-автобаза коллективлари ҳам ғалабанинг 30 йиллиги шарафига ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Январь ойида улар Минск ва Ленинград, февралда Волгоград ва Севастопол, мартда Одесса ва Новороссийск, апрелда Керчь ва қаҳрамон қалъа Брест шарафига меҳнат вахтасида турадилар.

КУЙБИШЕВ авиация заводига кираверишдаги каттагина майдонга ўрнатилган бу самолет Улуғ Ватан уруши йилларида душманга даҳшат солган эди. Заводда тайёрланган «ИЛ-2» штурмчи самолет душман билан бўлган тенгсиз жангда Карелия устида шикастланган эди. Ўшандан бери орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Завод ёшлари уни яқинда қуюқ ўрмонзордан топиб олиб, Куйбишев шаҳрига олиб келишди. Шанбалик ва якшанбаликлар уюштириб, самолетни қайта тиклашди ва бетон супачага авайлаб ўрнатишди. Буюк ғалабанинг 30 йиллиги арафасида шу самолет ижодкорлари ва уни бошқарган учувчилар билан қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда. Суратда: Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ҳарбий учувчи Д. Сафонов ёш ишчиларга Карелия устида бўлган ҳаво жанги ҳақида сўзлаб бермоқда.

Ю. Белозеров фотоси, (ТАСС).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИ

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Дўстим Суярқулни яқинда Совет Армияси сафига кузатиб қўйдим. Унинг кекса онаси, ёш хотини ва бир ёшли ўғилчаси қолди. Ҳарбий хизматга чақирилганлар оиласи қандай имтиёзларга эга эканлигини билмоқ истаймиз.

Э. СУЛТОНОВ, Қуйи Чирчиқ райони.

Бизнинг мамлакатимизда Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун қатор имтиёзлар яратилган. Хусусан, муддатли хизматдагилар СССР Министрлар Совети белгилаган тартибда давлат ҳисобидан пул ва озиқ-овқат билан таъминланадилар. Шунингдек улар учун хизматнинг дастлабки уч ойи давомида Армияга чақирилгунга қадар яшаб турган турар-жойлари сақланади. Бу муддат ўтиши билан маҳаллий Советлар ёки уларга тегишли бўлган ташкилотлар турар-жойдан фойдаланишлари мумкин. Аммо, ҳарбий хизматчининг уйига вақтинча кўчиб кирган кишилар у қайтиб келгач, дарҳол турар-жойни бўшатишга мажбурдир.

Бу тартиб ёлғиз бўй ҳарбий хизматчиларнинг тўрар-жойига тегишлидир. Оила аъзоларидан бири хизматга чақирилиш натижасида турар-жойда вужудга келган ортиқча майдон учун эса бу қонда қўлланилмайди. Бундай ҳолда армияга чақирилган шахс учун ҳам квартира ҳақи тўлаб турилаверади. Агар ҳарбий хизматчи оиласида мустақил доимий маош оладиган шахс бўлмаса, оила турар-жой учун энг кам ойлик оладиган ишчилар билан тенг равишда ҳақ тўлайди. Хизматга чақирилгунга қадар меҳнат шарти билан олинган турар-жой ҳарбий хизматчининг оиласида сақланиб қолинаверади. Оилага бошқа турар-жой берилмагунча уни суд қарори билан ҳам кўчириш мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ёки маҳаллий Советлар ижроия комитетлари фонди ҳисобига турар-жой олиш учун рўйхатга қайд этилган бўлсалар, оила аъзоларидан бири хизматга чақирилгандан кейин ҳам бу навбат сақланиб қолаверади. Оилага берилаётган турар-жой майдони белгиланаётган пайтда ҳарбий хизматчи ҳам ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг болаларига давлат нафақалари тўланади. Шаҳарлар, шаҳар типидаги поселкаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлмаган қишлоқ жойларида яшовчиларнинг битта боласи учун ойига 15 сўм, иккита боласи учун 22 сўм миқдорида нафақа тўлаш белгиланган. Қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган жойларда яшовчиларнинг битта боласи учун ойига 7 сўм 50 тийин, иккита боласи учун 12 сўм нафақа тўланади. (Бу имтиёз ҳарбий-қурилиш отрядларининг хизматчилари учун тегишли эмас).

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг умр йўлдошлари ёлғиз бўйлик учун солиқ тўлашдан озод этилади. Агар ҳарбий хизматчи касаллик туфайли армиядан қайтиб келган бўлса, бу имтиёздан бир йилга қадар фойдаланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчининг оиласида 8 ёшгача болалари бўлса, оилада онаси ва хотинидан бошқа меҳнатга яроқли ҳеч ким қолмаган тақдирда, қишлоқ хўжалик солиғидан озод этилади.

Масалан, ҳарбий хизматчи армияга кетгандан кейин оилада иккинчи группа инвалиди бўлган онаси ва меҳнатга яроқли, лекин ўқиётган (ўқув муддати 1 йилдан кам бўлмаган ҳолда) синглиси бўлса, бундай хўжалик ҳам меҳнатга яроқли кишиси йўқ сифатида кўрсатилган имтиёздан фойдаланади.

Оилада ҳарбий хизматчининг хотини ҳам, онаси ҳам 8 ёшгача бўлган болалари билан қолган бўлса, бу хўжалик ҳам юқоридаги имтиёздан фойдаланаверади.

Билим олиш борасида ҳарбий хизматчилар учун яратилган имтиёзлар диққатга сазовор. Масалан, ўқиётган жойидан чақирилган ҳарбий хизматчилар ўз бурчларини ўтаб бўлгандан кейин яна ўша ўқув юртининг ўша курсида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эгадирлар.

Армия ёки Флотда камида икки йил хизмат қилган ҳарбийлар олий ўқув юртига кираётган пайтларида икки йиллик ишлаб чиқариш практикасига эга бўлганлар билан бир қаторда биринчи навбатда қабул қилинадилар.

Гражданларнинг ҳарбий хизматда бўлган вақти меҳнат стажига киради. Агар улар армияга чақирилгунга қадар касаба союз аъзоси бўлган бўлсалар, хизмат муддати давомида бу стаж сақланиб қолаверади.

С. АДЕДЬЯНЦ,
юстиция подполковниги.
Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг аъзоси.

ШИФОХОНА КЕНГАЙДИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида иккита операция кабинетига эга бўлган хирургия бўлими фойдаланишга топширилди. Бу ерда турли мутахассисликдаги 16 нафар врач хизмат қиляпти. Хирургия бўлими шифокорлари бошқа колхозлардан келган беморларга ҳам хизмат кўрсатаётирлар. Бу йил колхоз правленияси касалхона комплексини бунёд этиш учун 350 минг сўм маблағ ажратди.

Суратда: касалхона хирургия бўлимининг тажрибали врачи С. Бекетов ўз ҳамкасби билан иш устида.

Г. Пун фотоси, ЎзТАГ.

БУРЧГА САДОҚАТ

МИЛИЦИЯ ҲАЁТИДАН

Биз ҳикоямиз қаҳрамони ҳақида дастлаб область ички ишлар бошқармасининг ходими, умрининг қарийб 25 йилини шу касбга бахш этган, кўплаб ёш посбонларнинг меҳрибон устози Филипп Тимофеевич Кимдан эшитдик, У Турғунбой ҳақида тўлқинланиб гапирди: —

— Ундан умидимиз катта. Аввало ўзига, қолаверса қўл остидаги ходимларига нисбатан талабчан одам...

1966 йили Совет Армияси сафидан хизмат вазифасини ўтаб келгач Турғунбой Соипов область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимининг инспектори вазифасига ишга қабул қилинди. Бу вазифада ишлаб, анча тажриба орттирди. Бошлиқлар ишончини оқлади. Ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажарди. Энди унга янада масъул ишларни топшира бошлашди. Бир куни уни область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ўз ҳузурига чақириб дарҳол мақсадга кўчди:

— Олмалиқ шаҳрида оғир жиноят содир бўлибди, Қотил мурғак гўдакни ўлдириб, поезд йўли ёнига ташлаб, ўзи ғойиб бўлган. Зудлик билан Олмалиққа жўнайсан, уни топасан. Мен сенга ишонаман, бунинг албатта уддасидан чиқасан.

Турғунбой Олмалиқ шаҳрига етиб келди. Шаҳар прокуратурасида жиноят тарихи билан танишиб чиқди. Жиноят содир бўлган жойни диққат билан кўздан кечирди. Олмалиқ гўшт комбинати орқасидан ўтадиган темир йўл атрофида яшовчи хонадонларга кириб, суҳбатлашди. Ҳаммаёқни синчиклаб ўрганди.

Бирдан уни боланинг жасади ўралган костюм ўзига тортди. Костюмни синчиклаб қарар экан, чўнтагидан 25 сантиметрлар чамаси фотоплёнка топиб олди. Бахтга қарши у ҳам йиртилиб кетган эди. Турғунбой плёнкани эринмай бир-бирига ёпиштирди. Унинг ичидан учта кадрни топиб олди. Эндиги вазифа шу кадрдаги кишиларни қидириб топиш эди. Ниҳоят, қидирилган кишилар топилди. Улар билан суҳбат ўтказилганда масала ойдинлашди. Улар бундан беш йил илгари тўйда расмга тушганларини айтиб, фотографнинг адресини беришди. Фотограф узоқ ўйлагач, бу плёнкани бир дўстига берганини айтди. Фотографнинг дўсти қидириб топилди. «Шу костюмни танийсизми?» — деб сўралганда у: «Ҳа, танийман, аммо костюм меники эмас, мен квартирада яшаган хонадонга қарашли», — деди. Адресда кўрсатилган уйга келиб, уй эгаси билан суҳбат ўтказилганда ҳамма нарса аниқланди. Жиноят 49 кун деганда очилди.

Турғунбойдаги қобилият, ишчанлик, касбига бўлган садоқати туфайли 1972 йили Янгийўл район ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинлашди.

...1974 йил, биринчи сентябрь, тонг саҳар, соат бешлар атрофида устма-уст телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман, — деди у телефон трубкасини кўтариб, сўзга диққат билан қулоқ соларкан. — Ҳозир етиб бораман!

Тезда идорага етиб келди. Дарҳол жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Азимжон Маҳкамов ва давлат автоинспекцияси катта инспектори Зокир Усмоновларни чақириб, операция плани билан таништирди. Йўл-йўриқ кўрсатди.

Ходимлар воқеа содир бўлган жойга етиб келганда жиноятчи ҳеч қандай из қолдирмай жўнаб қолган эди. Райондаги «Партия XXI съезди» колхозининг аъзоси Умарали Акромов наввосини сотиш учун Янгийўл бозорига келаётган эди. Кутилмаганда бир машина катта тезлик билан Шуралисой қишлоқ Советига бурилишдаги чорраҳада Умарали акани урган, наввосини белидан иккига бўлиб юборган, арава устидаги бола йўлнинг четига отилиб тушган. Бола тирик қолган...

Катта йўл. Машиналар тинимсиз ўтиб турибди. Оператив группа шу атрофдаги хонадонлар билан суҳбатлашди. Машинанинг маркаси, ранги, изларидан намуналар анализ қилинди. Қидирув бошланди, Ходимлар кунларни тунларга улаб ишлаши зое кетмади. 75 кун деганда жиноятчи топилди. Ўз айбига иқрор бўлди. У Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасида ишловчи Абдулла Шайбеков экан. Машина эса «Узсельхозтехника» район бирлашмасига қарашли эканлиги аниқланди...

Яқинда Турғунбой Соипов ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. У Тошкент давлат университетининг юридик факультетини муваффақият билан тамомлади. Унинг ҳалол хизматлари муносиб баҳоланган. У Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлигининг қатор фахрий ёрлиқлари, «Нуқсонсиз хизматлари учун» ва «Милиция аълочиси» нишонлари билан тақдирланган.

А. ШАРАФИЕВА,
Ю. ТОЛИПОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

СССР—ЮНЕСКО: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Совет Иттифоқи ЮНЕСКО фаолияти доирасига кирувчи соҳаларда, жумладан маориф, фан ва техника соҳасида ғоят бой тажриба тўплади. СССР халқларининг миллий маданиятларини ривожлантириш масаласида Совет Иттифоқининг тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, деди БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Амаду Мухтармъбоу Москвадан қайтиб келганидан сўнг ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида.

СССРга қилган визитимнинг натижалари Совет Иттифоқи ЮНЕСКО билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилаётганлигини кўрсатди, деди у.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

АДДИС-АБЕБА, 6 январь. (ТАСС). Бу ерда Совет Иттифоқи билан Эфиопия ўртасида 1974—1975 йилларда маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Ҳужжатда олимлар, ёзувчилар, студентлар, журналистлар, рассомлар, артистлар, спортчиларнинг делегацияларини бир-бирларига тез-тез юбориб туриш кўзда тутилади. СССР билан Эфиопия радио ва телепрограммалар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар айирбошлайдилар. Совет Иттифоқи Эфиопияга бир группа муаллимлар юборади. Эфиопия йигит-қизларига СССР олий ўқув юртларида таълим олиш имкони берилади.

Эфиопия маданият министри Текле Цадик Мекурия протоколни имзолаш маросимида нутқ сўзлаб, Совет-Эфиопия маданий алоқалари ўзаро манфаатли характерда эканлигини таъкидлади. У маданий ҳамкорлик соҳасида белгиланган программа муваффақиятли бажарилади, деб ишонч билдирди.

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Янги йилнинг дастлабки кунларида келган бир қанча хабарлар Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидаги турли маданий тадбирлар тўғрисида, шу мамлакатлар жамоатчилигининг Совет Иттифоқидаги маънавий ҳаётга қизиқиши кучайиб бораётганлигидан ҳикоя қилади.

КОЛОМБО. Бу ерда Совет маданият уйи очилганидан бери бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Лекин шу қисқа муддат ичида кўп ишлар қилинди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Шри Ланка — Совет Иттифоқи» дўстлик иттифоқининг бош секретари Питер Жаясекера. Неча ўнлаб қизиқарли лекциялар, кечалар, концертлар, виставкалар кинофестиваллар ўтказилди. Рус тили курслари ишга туширилди. Бу курсларда 200 дан кўпроқ киши шуғулланмоқда. Советлар мамлакатининг ҳаётига қизиқувчи, совет халқи билан анъанавий дўстликни янада мустаҳкамланишини ҳохловчи мингминглаб Шри-Ланкаликлар бу ерга келиб турибдилар.

Совет Иттифоқи тинчликсевар ташқи сиёсатини тушинтириб бериш, КПСС ва Совет ҳукуматининг Тинчлик программасини амалга ошириш борасидаги конкрет ва амалий тадбирларини пропаганда қилиш совет маданият уйининг асосий вазифаларидан биридир, деди Жаясекера.

АДДИС-АБЕБА. Шаҳарнинг энг катта кинотеатри — «Сити холл»да кўп серияли «Ҳалоскорлик» совет бадиий фильми кўрсатила бошланди.

(ТАСС).

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА, 6 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини бошлади. Икки кун давом этадиган пленум кун тартибига мувофиқ социалистик қурилишнинг етакчи кучи бўлмиш партияни ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилади.

Пленумни ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек очди.

МИСР ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Бу ерда Миср ҳукуматининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда 1975 йилда мамлакат экономикасини ривожлантириш планини ва давлат бюджетини амалга ошириш масалалари қараб чиқилди. Министрлар кабинети 1976—1980 йилларда социал-иқтисодий тараққиёт планини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама этди ва мамлакатдаги вилоятларнинг губернаторларига ўз мулоҳазаларини тақдим этишни таклиф қилди.

Ҳукумат молия министрига давлат маблағларидан рационал фойдаланиш мақсадида тегишли тадбирларни бир ой ичида ишлаб чиқишни топширди.

ҲИНДИСТОНДА СОВУҚ

ДЕҲЛИ, 6 январь. (ТАСС). Ҳиндистоннинг шимолий районларидаги Уттар Прадеш, Химачал-Прадеш ва Ражастхон штатларида одатдан ташқари ҳаво совуб кетиб, қор ёғмоқда. Уттар-Прадеш штатининг ўзидагина совуқдан 135 киши нобуд бўлди. Штат ҳукумати аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш учун 60 минг рупийдан зиёд маблағ ажратди.

Ҳиндистоннинг Химолай тоғи ён-бағирларида жойлашган машҳур курорт шаҳарлари — Массурий ва Симлада қалин қор ёғди. Ҳозир шу курортлар мамлакатнинг бошқа қисмларидан ажралиб қолди.

А. АРАФАТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАЙРУТ, 6 январь. (ТАСС). Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг 10 йиллиги муносабати билан бу ерда ўтказилган митингда нутқ сўзлаб, бундай деди: Тель-Авивнинг Ливаннинг жанубида қилаётган иғвогарликлари Ливан аҳолиси билан шу мамлакатда турган фаластинлик қочоқларнинг бирлашган фронтига нифоқ солиш мақсадини кўзламоқда. Аммо, деди Я. Арафат, бу уринишлар барбод бўлди.

Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси араб мамлакатларини Исроилнинг тўхтовсиз давом этаётган агрессив ҳуружларига қарши жуда ҳушёр бўлиб туришга даъват этди.

Исроил босиб олган араб территорияларида инсон ҳуқуқи муттасил поймол қилинмоқда. Тель-Авив ўтказаётган зўрлик ва террор сиёсати халқнинг қаҳр-ғазабига учрамоқда.

Суратда: Исроил армияси патруллари босиб олинган араб қишлоқларидан бирида.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

АХБОРОТ СПОРТ

10 ИМКОНИЯТДАН 10 ОЧКО

Канадада ўтказилган ёш хоккейчиларнинг норасмий жаҳон чемпионатида совет спортчилари ажойиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар 10 имкониятдан 10 очко тўплаб, чемпионат ғолиби ва кўчма фахрий кубок совриндори бўлдилар.

Сўнгги матчгача Совет ва Канада хоккейчилари бир хил очкога эга эдилар. Шу боисдан ҳам иккала команда охирги ўзаро учрашувда фақат ғалаба учун курашди. Лекин учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ совет спортчиларининг устунлиги сезилиб турди. Ватандошларимиз 4:3 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Чемпионатни командалар қуйидаги ўринларда якунлашди:

	У	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	5	5	0	0	22—8	10
Канада	5	4	0	1	27—10	8
Швеция	5	2	1	2	18—24	5
ЧССР	5	1	2	2	9—11	4
Финляндия	5	1	1	3	10—14	3
АҚШ	5	0	0	5	9—29	0

МАШҚЛАР БОШЛАНДИ

Олий лига футбол командалари 1975 йил мамлакат чемпионатига тайёргарликни бошлаб юбордилар. Кўпгина командалар бу йил майдонга составлари ўзгарган ҳолда тушадилар. Киевнинг «Динамо» командасида ҳозир «Заря»нинг ҳимоячиси Кузнецов, «Шахтер»нинг ярим ҳимоячиси Коньков, «Таврия»нинг ёш ярим ҳимоячиси Ажем машқ қилмоқда. Улар «Динамо»дан кетган Семенов, Маслов, Кондратов каби ўйинчилар ўрнига келишган.

«Спартак» командаси составли ҳам бироз янгиланди. Совет армияси сафидан қайтган Виктор Папаев, Коля Киселев ва Юрий Дарвин ўз дўстлари сафига қўшилдилар. «Нальчик»нинг «Спартак» командасидан Пилипко, Мурманскнинг «Север» командасидан Нечитаев, «Заря»дан Васенин, Туланинг «Металлург» командасидан Давидов ҳам «Спартак»ка таклиф этилди. Улар 26 январда Лужникида ўтказиладиган мини-футбол мусобақаларида қатнашадилар.

Ўтган йилги чемпионатнинг бронза медали совриндори «Черноморец» ҳозир чет эл сафарига тайёрланмоқда. Улар 18 январда Варнага жўнаб кетадилар. Бу ерда Болгария ва Руминиянинг олий ва биринчи лига командалари билан беш марта учрашув ўтказадилар.

ЦСКА командаси ҳам чемпионат олди машқларини чет элларда ўтказмоқчи. Команданинг йиғини Ироқда бўлади. Бу ерда улар 19 январгача машқ қиладилар. Команда бу йил умидли ўйинчилар билан мустаҳкамланди. Папаев, Бабенко, Лихошерстних ўрнига «Торпедо»дан Соловьев, Худиев, «Карпат»дан Андрюшченко, «Локомотив»дан Чесноков таклиф этилди. Улар ҳозир команданинг бошқа аъзолари билан машқларда қатнашмоқдалар.

«Пахтакор» командаси машқлари ҳам қизғин ўтмоқда. Улар штанга кўтариш, югуриш бўйича ўзаро мусобақаларда қатнашиб, энди мини-футбол машқларини давом эттирмоқдалар. Машқларда ўтган йилги чемпионатда қатнашган команда аъзоларининг ҳаммаси иштирок этаяпти.

КЎЧМА КЎРГАЗМА

Ҳаваскор рассомларнинг Бутуниттифоқ кўргазмасига серқуёш республикамиздан ҳам асарлар тақдим қилинган эди. Шулардан 20 дан ортиғи кўргазма томонидан медаль ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ғолиб ҳаваскор рассомларнинг энг яхши асарлари асосида алоҳида кўчма экспозиция ташкил этилди. Бу экспонатлар орасида Х. Алимов, Р. Габдраҳимов, Ш. Ғаниев каби ёш ижодкорларнинг «Ҳосил байрами», «Революция куйчиси», «Автопортрет» деган асарлари ҳам бор эди.

Кўчма кўргазма Германия Демократик Республикаси, Польша ва Чехословакияда ҳам намойиш қилинади.

Роза Каримова Тошкент телестудиясининг монтаж цехида кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда. Суратда: Р. Каримова киноленталарни монтаж қиляпти.

Г. Эгамбердиева фотоси.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-деҳқон мухбирлари университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти 10 январь жума куни ўтказилади.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—МОСКВА. 18.40 —ТОШКЕНТ. 18.50 —Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.30 —Илмий техника ахбороти ва ишлаб чиқариш. 19.45 — «Ахборот». 20.00—Бир актёр театри. 20.25—Миллионлар ленинча университети. 20.40 — Ўн минут музика. 20.50—«Ахборот». 21.10 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30—Спорт кўрсатуви. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55—ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 12.00—Қизил қалпоқча (спектакль). 18.40 — МОСКВА. **Зумрад шаҳар сеҳргари** (7-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Кинофильмлар. 20.45 — **Пуччини** (3-серия). 22.00 —ТОШКЕНТ. Дала ишлари кундалиги. 22.20 — **Давр олға бос!** (бадиий фильмнинг 1-серияси). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.30 — ТОШКЕНТ. 20.00—Тошкент ва тошкентликлар. 20.40 — Ўқув кўрсатуви. 21.20 — Тошкент янгиликлари. 21.35 — Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8|I да **Севги ва қилич** (12.00), **Марварид изловчилар** (19.00), 9|I да **Доктор Айболит** (12.00), **Риголетто** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8|I да **Бой ила хизматчи** (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8|I да **Лақма**, (12.00), **Хотининнинг эри** (19.30), 9|I да **Олифта** (12.00, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8|I да **Биринчи бўса** (12.00, 15.00), 9|I да **Ташвишланманг, онажон** (12.00, 16.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Циркда арча, СЕҲРЛИ КУЛ» Янги йил цирк томошалари.**

КИНО

Янги центрионлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Машаққатли севги — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Ёғлиқ иш — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Сагина Махато — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Севишгайлар қиссаси —САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Жаноб 420 — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)
13 ЯНВАРГАЧА

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ПЕРСОНАЖЛАР ҲАМДА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА

„СЕҲРЛИ КУЛ“
ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАЛАР: ҳар куни 10.00, 12.30, 15.00 да; 11|I да 15.00 да, 12|I да 12.00, 15.00, 17.30 да бошланади.
Касса ҳар куни 9.00 дан ишлайди.
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 ғача. Эълонлар — 338142.

Р—02122. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2464.